

ЗАКАРИЯ ЮСУФ – АРАБ МАНБАШУНОСИ ВА ТЕРМИНШУНОСИ

ОРИПОВ ЗОКИРЖОН

Филология фанлари номзоди, профессор, Ўзбекистон давлат консерваторияси

Аннотация. Мақола таниқли араб манбашуноси ва терминшуноси Закария Юсуф ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган бўлиб, унинг классик араб тилидаги мусиқий терминларни ўрганишидаги аҳамияти ёритиб берилган.

Таянч сўз ва иборалар: Закария Юсуф, манбашунос, араб мусиқа терминлари тадқиқотчиси, Ибн Сино, “Мусиқа илми тўплами”.

Аннотация. Статья посвящена жизни и научному творчеству известного арабского источниковеда и терминоведа Закарии Юсуфа и указывается его значимость в изучении музыкальных терминов в классическом арабском языке.

Опорные слова и выражения: Закария Юсуф, источниковед, исследователь арабских музыкальных терминов, Ибн Сина, «Свод музыкальной науки».

Abstract. This article is devoted to the life and scientific activity of a well-known Arabian source and terms researcher Zakariya Yusuf and his importance of studying of musical terms in classical Arabian language is underlined in it.

Keywords and expressions: Zakariya Yusuf, source researcher, Arabian musical terms researcher, Ibn Sina, “Code of Musical Sciences”.

Закария Юсуф ўрта асрлар Шарқ аллома-ларининг мусикашуносликка оид асарларининг йирик тадқиқотчиси ва тарғиботчиси бўлган. У бутун оламга машхур манбашунос ва матн-шунос, мусикашунос – ўрта асрлар араб мусиқа терминларининг тадқиқотчиси сифатида танилган. Закария Юсуф, асосан, араб тилидаги манбалар билан шуғулланган. Олимнинг тўлиқ исми-шарифи Закария Юсуф Тумоший (زكريا يوسف توماشي) бўлиб, у илм оламида Закария Юсуф номи билан маълум. Закария Юсуф 1911 йил Ироқнинг Мосул (الموصل) шаҳрида таваллуд топган. Болалигидан мусикага ошно эди. Бошланғич мусиқа мактабида дамли чолғулар бўйича дарс олди, Бағдоддаги нафис санъатлар институтида эса камон чалиш сирларини ўрганиш билан бирга, институтнинг Шарқ бўли-

мида мусиқа назарияси асослари ва Ироқ мусикаси тарихи мутахассислиги бўйича ҳам ўқиди. Институтни тугатгач, Бағдод мусиқа мактабида, Бағдод нафис санъатлар институтида ишлаб юрганида ҳам, мусиқа амалиёти мусиқа назарияси билан қўшиб олиб борар эди.

Закария Юсуфнинг илмий тадқиқотчи сифатида Бағдоддаги Британия маданият институтида 1951 йил 16 апрель куни “Шарқ мусикаси” мавзусида ўқиган маърузаси илм дунёсига янги иқтидорли олим кириб келганидан хабар берди. Закария Юсуф Бағдод нафис санъатлар институтида ишлаб юрганидан бошлаб институт қошида мусиқа кутубхонаси ташкил этишга бел боғлади. 1951 йилдан 1976 йилгача олим ташаббуси, ҳаракати ва маблағи билан Ироқда Шарқ мусикасига оид



ноёб кутубхона ташкил этилди. Кутубхонада араб, форс, хинд ва туркий тиллардаги қўлёзма ва босма китоблар жам этилган бўлиб, улардан талабалар ва илмий ходимлар фойдалана олар эди. Кутубхонада нашр қилинган ва қўлёзма асарларнинг каталоги яратилган ва тавсифлари тайёрланган дейилади. Бутун умрини муסיқага, хусусан, муסיқашуносликка бахш этган атоқли Ироқ олими Закария Юсуф муסיқа илмига оид талай илмий ишлар чоп эттирди. Унинг муҳим асарлари куйидагилардир:

Китоб موسيقى العربية. مطبعة الرابطة. بغداد 1951 س.

Араб муסיқаси китоби. Ар-ротиба нашриёти. Бағдод, 1951.

Китоб موسيقى ابن سينا. مطبعة التقيض الاهلية. بغداد 1952 س.

Ибн Сино муסיқаси китоби. Ат-тфйиду-л-ахлийя нашриёти. Бағдод, 1952.

Китоб جوامع علم الموسيقى من لابن سينا. (كتاب الشفاء الرياضيات). تحقيق ومقدمة زكريا يوسف. تصدير و مراجعة أحمد فؤاد لاهواني و محمود أحمد الحفني، المطبعة الاميرية بالقاهرة، 1956 س.

Ибн Синонинг “Муסיқа илми тўплами” асари (“Шифо китоби”нинг математик фанлари). Танқидий матн, шарҳ, изоҳлар ва муқаддима Закария Юсуфники. Фувад ал-Ихвоний ва Маҳмуд Аҳмад ал-Ҳафний таҳрири, кириш сўзи. Ал-Амирия нашриёти. Қоҳира, 1956.

Закария Юсуф мазкур асарида Ибн Сино қўллаган муסיқашунослик терминларини замонавий араб муסיқашунослиги ва Ғарб тилларидаги назираларини ўрганади ҳамда келтиради¹:
Китоб مبادئ الموسيقى النظرية. مطبعة المعارف. بغداد 1957 س.

Назарий муסיқа асослари китоби. Ал-маъориф нашриёти. Бағдод, 1957.

Китоб (مؤلفات الكندي الموسيقية)، حققها و اخرجها مع مقدمة و شرح و تعليق زكريا يوسف في (خمس رسائل خطية محققة) و طبع بمساعدة مالية من المجمع العلمي العراقي، مطبعة شفيق بغداد 1962 س.

Киндийнинг муסיқага оид асарлари китоби. Закария Юсуф муқаддимаси, шарҳи ва

изоҳлари билан (тадқиқ этилган беш қўлёзма рисола асосида) бажарилган ҳамда чоп этилган. Ироқ фанлар академиясининг молиявий ёрдами билан нашр этилди. Шафиқ нашриёти. Бағдод, 1962.

Закария Юсуф мазкур асарида IX асрдан илгари араб матбаларида қўлланилиши мумкин бўлган терминлар ҳақида ҳам фикр юритади².

Китоб (موسيقى الكندي) ملحق لكتاب (مؤلفات الكندي الموسيقية)، تعليق زكريا يوسف، مطبعة شفيق بغداد ص. 75. 1962 س.

“Киндий муסיқаси” китоби “Киндийнинг муסיқий асарлари” китобига илова. Закария Юсуф тадқиқоти. Шафиқ нашриёти. Бағдод, 1962.

أقدم وثيق موسيقية للحن مدن عند العرب من القرن الثالث للهجرة: تمرين للضرب العود. تأليف الكندي. تحقيق زكريا يوسف، النص المخطوط مع التجديد بالعلامات الموسيقية الحديثة. مطبعة شفيق بغداد 1962 س.

Учинчи хижрий асрдан сақланиб келинаётган араблардаги энг қадимий муסיқий ҳужжат: Уд чалиш машқи. Муаллиф Киндий. Закария Юсуф тадқиқоти. Қўлёзма матн билан замонавий нота белгилари. Шафиқ нашриёти. Бағдод, 1962.

Китоб (رسالة نصير الدين الطوسي في علم الموسيقى)، (بمناسبة انعقاد المؤتمر الثاني للموسيقى العربية)، تحقيق زكريا يوسف، مطبعة لجنة التأليف و الترجمة و النشر، توزيع دار القلم، القاهرة 1964 س.

“Носиру-д-дин Тусийнинг муסיқа ҳақидаги рисоласи” китоби. II Умумараб муסיқа конгресси чакирилиши муносабати билан. Закария Юсуф тадқиқоти. Тузувчи, таржима ва нашр қўмитаси Дору-л-қалам. Қоҳира, 1964.

Китоб (رسالة يحيى ابن المنجم في الموسيقى)، تحقيق زكريا يوسف، صدر بمناسبة انعقاد المؤتمر الثاني للموسيقى العربية في بغداد 1964 س.

“Яҳё ибн Мунажжимнинг “Муסיқа ҳақидаги рисоласи” китоби. Закария Юсуф тадқиқоти. 1964 йил Бағдодда II Умумараб му-

¹Китоб جوامع علم الموسيقى من لابن سينا. (كتاب الشفاء الرياضيات). تحقيق ومقدمة زكريا يوسف. تصدير و مراجعة أحمد فؤاد لاهواني و محمود أحمد الحفني، المطبعة الاميرية بالقاهرة، 1956 س. ص 155–165.

²Китоб (موسيقى الكندي) ملحق لكتاب (مؤلفات الكندي الموسيقية)، تعليق زكريا يوسف، مطبعة شفيق بغداد ص 75. 1962 س.



сиқа конгресси чакирилиши муносабати билан нашр этилган.

كتاب الكافي في الموسيقى تأليف ابي منصور الحسين بن زيلة المتوفي سنة 440 هـ. تحقيق زكريا يوسف. توزيع دار القلم، مطبعة لجنة التأليف و الترجمة و النشر، القاهرة 1964 س.

Абу Мансур Ҳусайн бин Зайланинг (440 ҳижрий йили вафот этган) “Муסיқага оид тўлиқ китоби”. Закария Юсуф тадқиқоти. Дору-л-қалам. Қоҳира, 1964.

كتاب (مخطوطات الموسيقى العربية في العالم) ج. 1، مخطوطات ايران، تحقيق زكريا يوسف. مطبعة شفيق بغداد 1966 س.

“Дунёдаги арабча муסיкий қўлғезмалар” китоби. 1-жилд. Эрон қўлғезмалари. Закария Юсуф тадқиқоти. Шафиқ нашриёти. Бағдод, 1966.

كتاب (مخطوطات الموسيقى العربية في العالم) ج. 2، مخطوطات اقطار المغرب العربي، زكريا يوسف. مطبعة شفيق بغداد 1967 س.

“Дунёдаги арабча муסיқага оид қўлғезмалар” китоби. 2-жилд. Мағриб араб мамлакатлари қўлғезмалари. Закария Юсуф. Шафиқ нашриёти. Бағдод, 1967.

(مخطوطات الموسيقى العربية في العالم) ج. 3، مخطوطات الهند، باكستان، افغانستان. زكريا يوسف. مطبعة شفيق بغداد 1967 س.


“Дунёдаги арабча муסיқага оид қўлғезмалар” китоби. 2-жилд. Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон қўлғезмалари. Закария Юсуф. Шафиқ нашриёти. Бағдод, 1967.

كتاب "الفن الثاني عشر من الريا ضيات من كتاب "الشفاء" للشيخ الرئيس ابن سينا جوامع علم الموسيقى" تحقيق زكريا يوسف، وزارة الثقافة و الاعلام، بغداد 1984 س.

“Аш-шайхур-р-раис Ибн Сино “Шифо” китобининг ўн иккинчи боби математика илмларидан” “Муסיқа илми тўплами”. Закария Юсуф тадқиқоти. Маданият ва маълумотлар вазирлиги. Бағдод, 1984.

Закария Юсуф 1977 йил, яъни умрининг охиригача араб манбаларини, жумладан, Ибн Сино манбалари ва унинг яқин шогирди, маслакдоши Абу Мансур ибн Зайланинг (440 ҳижрий йили вафот этган) “Муסיқага оид тўлиқ китоби”ни, Абу Абдулла Хоразмийнинг “Мафатиху-л-улум” (“Илмлар калитлари”) асарини тадқиқ этиб, машхур бўлган ва ундан бой илмий мерос қолган.

Закария Юсуф Ибн Синонинг ўзи ёзган автобиографияси¹ ҳамда Ибн Синонинг яқин шогирдларидан бири Ибн Аби Усейбийанинг ёзганларига асосланиб², Ибн Сино – Ўзбекистонлик – у ўзбек деган эди³. Ибн Сино манбаларини холисона ўрганиб, асрлар қаридан етиб келган манбаларнинг мавҳум жойларини равшан қилган Закария Юсуфнинг вафотидан анча йиллар ўтгандан кейин нашр этилган асарлари кўп, лекин нашр этилмай қўлғезма ҳолида қолганлари ҳам анча. Закария Юсуфнинг қизи доктор Нажот отасининг нашр этилмай қўлғезма ҳолида қолган асарлари чоп этилиши ҳақида матбуотда хабар берган эди⁴. Олимнинг фойдали асарлари нашр этилади, деган умиддамиз.



¹ Хайруллаев М. М. Уйғониш даври ва шарқ мутафаккири. – Т.: Ўзбекистон, 1971. 269-б.

² لاهواني أحمد فؤاد، ابن سينا، مصر. دار المعارف، 1957م، 128 ص.

³ Ирисов А. Абу Али ибн Сино. – Т.: Фан, 1980. 42–87-б.
⁴ نجاته زكريا يوسف كتاب الشفاء للشيخ الرئيس ابن سينا و زكريا يوسف عالم الفكر (المجلة الكويتية الدورية) ابريل - مايو - يونيو 1987 ص. 283-303. ДокторНажот Закария Юсуф. Шайхур-раис Ибн Синонинг “Шифо” китоби ва Закария Юсуф // Фикр олами уч ойда бир чиқадиган Кувейт журнали. 1987 йил апрель, май, июнь. 283–303-б.